*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# Постда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№№ 69—70 (2710—2711)
1994 йил, 9 сентябрь

Тошкент шаҳрида— сотувда баҳоси 1 сўм.

## МАЗМУНЛИ ҲАМ ҚИЗИҚАРЛИ

СУРХОНДАРЁ вилоят ИИБ шахсий таркибининг маънавий ва маърифий тафаккурини ўстиришда ҳамда уларнинг дунёда юз бераётган сиёсий воқеалар мазмунини тўғри англай олишларида ўтказилиб турган маърифат дарслари муҳим ўрин тутмоқда.

Ушбу дарсларнинг мазмунли ва қизиқарли ўтишида эса Термиз Давлат университетининг олимлари ва қатор ижод соҳиблари яқиндан ёрдам бериб келишяпти. Жумладан, ўтган йилнинг 7 ойи мобайнида ушбу билим даргоҳининг ўнга яқин ўқитувчилари ва шоирлар дарсларимизда иштирок этишди.

Мамлакатимизда катта шодиёна — республикамиз мустақиллигининг уч йиллиги арафасида бўлиб ўтган маърифат дарсида Термиз Давлат университетининг ректори, республика фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Назар Йўлдошевич Тўраев "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тарихий аҳамияти" деб номланган маърузалари билан қатнашди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шу йилнинг 28 июнь куни вилоят ҳокимининг қарорига кўра республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказининг вилоят бўлими ташкил этилиб, унга Н. Й. Тўраев раис этиб сайланган эди. Учрашув чоғи бошқармамиз ходимлари ушбу жамоатчилик маркази билан биргаликда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича ўз таклифларини билдирдилар. Ўз навбатида Н. Й. Тўраев ҳам жиноятчиликнинг олдини олишда жамоатчилик марказлари орқали ёрдам беришини айтиб ўтди.

Ўйлаймизки, вилоятимизда жиноятчиликни кескин камайтиришда, юз бериши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишда ушбу жамоатчилик кенгаши аъзолари бизга яқин кўмакдош бўлишади. Зеро, жиноятчиликка қарши кураш бугунги кунда барча зиёли, маърифатли ҳамда маданиятли кишиларнинг бурчидир.

**Р. Г. ОЧИЛДИЕВ,**
**Сурхондарё вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги.**

## БУГУНГИ СОНДА:

2—3-БЕТ КЎШНИНГ ТИНЧ— СЕН ТИНЧ
4-БЕТ ҒУЛЗОРДА САРИҚПЕЧАКЛАР КЎП...
5-БЕТ ЙЎЛЛАРДА ҲАРАКАТЛАНИШ ҚОИДАЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР
6-БЕТ "АВВАЛ МАЙНИ СИПҚОРДИ..."
8-БЕТ ДАЙДИЛАРГА ЭЪТИБОР



## СУРАТЛИ АХБОРОТ

**Бухоро вилояти ИИБ эксперт-криминалистика бўлими тезкор-техника бўлинмасининг муҳандис-нозири, милиция лейтенанти Нодир Қараев қисқа муддат ичида ўзининг ишчанлиги, ҳар бир топшириқни ўз вақтида бажариши билан хизматдошлари орасида ҳурмат қозонди. У жиноятларни очиш, уларнинг олдини олиш ишларида замонавий тезкор техникалардан фойдаланиб келмоқда. Шунинг учун ҳам унинг хизматлари жамоа орасида қадрланади.**

**Суратда: Бухоро вилояти ИИБ ЭКБ муҳандис-нозири, милиция лейтенанти Нодир Қараев иш устида.**

**Суратни Е. ЗУЕВ олган.**

## ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР

ФАРҒОНА ШАҲАР иссиқлиқ тарқатиш корхонаси бош ҳисобчиси Светлана Бойко ўз ишининг устаси фаранги ҳисобланади. Ҳисобчилик соҳасида у билмаган тўғри ва эгри йўллар йўқ деса бўлади. Лекин бу сафар шаҳар иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш гуруҳи ҳамда шаҳар прокуратураси ходимлари устамон ҳисобчидан ҳам сезгирроқ чиқдилар.

С. Бойко бир неча кичик ва хусусий корхоналар ҳисобига 460 миллион сўм-купон маблағни қалбакилаштирилган ҳужжатлар орқали ўтказиш йўли билан ўзлаштириб олган. Бу ҳам етмагандек, қилмиши катта жиноят эканини сезиб, Россияга жуфтакни ростламоқчи ҳам бўлган. Бироқ иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш гуруҳи ва прокуратура ходимлари унинг бу режасини чиппакка чиқардилар.

Бу иш юзасидан жиноий иш қўзғатилган.

"Олмоқнинг бермоғи бор" деганларидек, беш бармоғини оғзига тиқиб, роҳат-фароғатни кўзлаган С. Бойко қонун олдида, албатта, жавоб беради.

**Муҳаммадрасул КИМСАНБОЕВ,**
**Фарғона ВИИБ шахсий таркибни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги.**

**ОМОНЗОДА,**
**"Постда" мухбири.**

*Икки жума оралиғида*

### ДИЁНАТСИЗНИНГ УЙИ КУЙДИ

Самарқанд шаҳридаги Гагарин кўчасида жойлашган "Аэрокасса"нинг сотувчиси В. К. диёнатсизлиги туфайли кўпчиликнинг дилини оғритиб келарди. Яқинда у навбатдаги харидорга "Самарқанд—Москва" рейсига чипта ёзиб бериб, нақд 294 сўм ортиқча ҳақ олаётган бир пайтда қўлга тушди.

### УЗОҚҚА БОРОЛМАДИ

Чирчиқ шаҳридаги Муханова кўчасида яшовчи 1909 йилда туғилган, нафақадор И.М. бундай "меҳмон"ларни етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди. Нотаниш барзангилар тўғридан-тўғри уйига кириб, газ тўппонча билан қўрқитиб,бошига уриб қолишса бўладими... Яхшиямки, бахтига қўшнилар уни йўқлаб қолишди... Барзангилар бир зумда кўздан ғойиб бўлишди.

Бироқ зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида босқинчиларнинг икки нафари қўлга олинди. Учинчисини ушлаш чоралари кўриляпти.

### ОМУХТА ЕМ ЎҒРИСИ

Қарши туманидаги Энгельс жамоа хўжалигида яшовчи, Дашт темир йўл бекати навбатчиси вагондан тўрт минг сўм миқдордаги 6 тонна омухта ем ўғирлаётган вақтда ушланди. Терговни нақлиёт ИИБ олиб бораётир.

### АЁЛ БОШИ ЭГИЛДИ

Қўқон шаҳридан келган Н. И. нинг халтаси Тошкент темир йўли шоҳбекатида кўздан кечирилганда бир килограмм қорадори топилди.

### ТЕРГОВ ДАВОМ ЭТЯПТИ

Жиззах вилоят ИИБ ходимлари олиб борган тезкор тергов жараёнида вилоят пахта саноати маҳсулотлари базасида фаолият кўрсатаётган фирма раиси Б. К. бошчилигидаги жиноий гуруҳ аниқланди. Улар вилоят пахта саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси ишчилари билан жиноий тил бириктириб, 1993 йил давомида темир йўл бекатлари ва саноат қурилиш банклари орқали республика ташқарисидаги фирмалар билан алоқа ўрнатиб, кўзбўямачилик, алдаш йўллари билан Давлат жамғармасига бир миллиарддан ортиқ зарар келтирган эканлар. Ушбу жиноий иш юзасидан тергов ишлари олиб боруляпти.

## Ишончли қўлларда



**СУРАТДА: Сирдарё вилояти ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими бошлиғи (чапдан учинчи) милиция подполковниги Абдутолиб Назаров бир гуруҳ ходимларга бугунги вазият ҳақида тушунтириб, топшириқлар бермоқда.**

**(Мақола билан 3-бетда танишасиз).**

*Ҳодиса*

## КАПИТАННИНГ ЖАСОРАТИ

ШОҲИМАРДОН — республикамиз меҳнаткашларининг дам олиш масканларидан бири. Ёзнинг охири бўлса-да, одам гавжум. Улар кўнгилли ҳордиқ чиқариш, ўйин-кулгу билан банд. Фақат милиция ходимларигина хизматда: оромгоҳда дам олувчиларнинг тинч-осойишталигини таъминламоқдалар.

1994 йилнинг 29 августи. Кеч ўн соат еттилар чамаси, одамлар тўсатдан сой ёқалаб югуриб қолишди. "Бола оқиб кетди, ёрдам беринглар!" — дея бақиришарди улар. Бироқ совуқлиги муз билан тенг кела оладиган бу оқар сувга юрак бетлаб ҳеч ким тушолмасди. Бақир-чақирни эшитган Фарғона тумани ИИБ жамоат тартибини сақлаш гуруҳининг бошлиғи, милиция капитани Абдуқодир Жўраев зумда пишқириб оқаётган Оқсув қирғоғига етиб келди ва сувда гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай оқиб келаётган болага кўзи тушди.

Ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ эди. Милиция капитани дарҳол ўзини сувга отди. Лекин тез оқаётган совуқ сув уни ҳам суриб кета бошлади. Аммо милиция ходими жасорат намунасини кўрсатди. Беаёв сув қаршилигига қарамай кўприк ёғочига осилиб олди. Сўнг шу ҳолда оқиб келаётган болани бир ҳаракат билан ушлаб қолди ва уни сувдан олиб чиқди.

Шундай қилиб, Мақсуджон исмли етти яшар боланинг ҳаёти сақлаб қолинди. Боланинг ота-оналари милиция капитани Абдуқодир Жўраевга чин дилдан миннатдорчилик билдирдилар.

**Ёқубжон МАҲМУДОВ,**
**Фарғона тумани ИИБ бошлиғининг муовини, милиция майори.**

# ҚЎШНИНГ ТИНЧ - СЕН ТИНЧ

*Жиноятчилик бамисоли юқумли касалликка ўхшайди — ҳеч қандай чегара билмайди, миллат ҳам танламайди. Нопок йўллар билан бошқаларнинг азоб-уқубати эвазига бойлик орттиришни кўзлаганлар орамизда ҳали кўп. Улар орасида уюшганлари ҳам бор. Бу эса ҳуқуқни ҳимоя қилиш ходимларининг ҳам ҳамкорликда иш юритишларини тақозо этяпти. Айниқса, яқин қўшнилар жипслашуви зарур.*

*Яқинда "Постда"—"На посту" газеталари мухбирлари Сиддиқ СУЛАЙМОНОВ ва Ориф ФАРМОНОВ Қозоғистон ва Ўзбекистон Республикаларининг икки қўшни — Сариоғоч ва Тошкент туманларида бўлишиб жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш борасида олиб бораётган ишлари билан танишиб қайтдилар.*

# ДЎСТЛИК ҲАМ...

## ЖИНОЯТЧИЛАР ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ



**М. АҚИЛТОЕВ,**

**Жанубий Қозоғистон вилояти, Сариоғоч тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги**

САРИОҒОЧ тумани Тошкент вилоятининг Қибрай, Тошкент ва Зангиота туманлари билан қўшни бўлиб, 417 минг гектар майдонни эгаллайди. Унда 131 минг аҳоли яшайди. Аҳоли 8 давлат ва 4 жамоа, ўқув хўжаликлари, Сариоғоч шаҳрида жойлашган 20 ташкилот, муассасаларда меҳнат қиладилар. Лекин туман асосан чорвачилик, сабзавотчилик, боғдорчиликка ихтисослашган.

Аҳолининг тинч яшаб, меҳнат қилиши учун туман Ички ишлар бўлимининг 200 дан ортиқ милиция ходими доимо камарбаста. Шунга қарамай, бошқа жойлардагидай, бизда ҳам жиноятчиликлар сони ҳозиргача юқори — йилига 250-350 та жиноят содир этилмоқда.

Маълумки, жиноят сонининг ўсиш ёки камайиши фақат бир ҳудудгагина боғлиқ эмас. Жаҳон бўйича бекорга Интерпол ташкил этилгани йўқ. Чунки жиноятчилар чегара билмайди. Биздаги жиноятлар сони кўп жиҳатдан қўшнимизга ҳам боғлиқ. Икки миллионлик улкан шаҳар — Тошкент ёнгинамизда. Туманимиздан икки республикани боғловчи автомобиль ва темир йўллар ўтади. Бу эса қўшниларимиз билан жипслашиб, биргаликда ишлашимизни тақозо этади. Вазиятни чуқур тушунган вазирларимиз икки республика ўртасида ҳамкорликка муҳим эътибор бераётганликлари бежиз эмас.

Қўшниларимиз билан алоқамиз яқинлиги туфайли муҳим ахборот ва амалий ёрдамлар олмоқдамиз. Қидирувда бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар ҳам бизда, ҳам қўшниларимизда бор. Шубҳали шахс қўлга тушса, дарров бир-биримизга хабар берамиз. Жиноятчини қайси туман милицияси қидираётган бўлса, ўшанга топширилади. Вақтинча ушлаб туриш ҳибсхоналаридан биргаликда фойдаланамиз. Чунки биз Тошкент туманига Қозоғистондаги қўшни туманлардан кўра яқинроқмиз ва умуман қўшилиб кетганмиз, десам ҳам хато бўлмайди.

Айниқса Қидирали Кенжаев, Камол Қалубаев, Тўрахон Жониқулов, Муҳиддин Жумабеков, Жумагали Қуролов, Тўйлибой Сафарбоев, Нурмахон Раҳмонбердиев каби масъул ходимларимиз ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамнафас иш олиб борадилар. Биргаликда юз берган воқеани ўрганиб муҳокама қиладилар. Жиноятни из босилмай туриб очиш масалалари, йўл қўйилган камчиликлар кўрилиб, жиноятчиларни қўлга олиш тадбирлари ишлаб чиқилади.

Натижада яқинда 15 кишидан иборат ашаддий жиноятчи гуруҳ ушланди. Улар бир ярим йил мобайнида Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларида аҳолини қақшатиб юрган. Қилган жиноятлари орасида одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик, ўғирлик каби мудҳиш ишлар бор. Бу одамлар қарғишига учраган гуруҳ фаолиятига чек қўйилиши Сариоғоч, Тошкент туманлари ва Тошкент шаҳар ИИББ ҳамкорлиги самарасидир.

Шунингдек, ҳудудларимиздаги участка вакиллари ҳам ёнма-ён, бамаслаҳат ишламоқдалар. Сабаби, кўп жойларда йўлнинг бир томони бизники бўлса, бошқа томони Тошкент туманига қарашли.

Ходимларимизнинг кўплари фақат хизмат юзасидан эмас, балки инсоний дўст, биродар, оилавий борди-келди қиладилар.

Афсуски, ҳали еримизга паришталар замони келгани йўқ. Айрим "алда, ўлдир, ўғирла — фақат бойлик ортдир" қабилида яшовчилар ҳали кўп. Жиноятчилик тобора халқаро тус олиб бормоқда. Масалан, "Труд" газетасининг ёзишича, Сицилиянинг биттагина тўдаси изларига дунёнинг 40 мамлакатида дуч келинган. Гонконгдаги йирик Сан-Йе-Он учлиги иккала Америка қитъаси, Макао, Хитой, Вьетнам, Таиланд, Австралия, Англия ва Нидерландиягача томир ёйган. Уларнинг қўлларида ўн миллиардлаб доллар пул айланиб юрибди. Мана шунинг учун ҳам ҳозир жаҳонда жиноятчиликка қарши кураш ниҳоятда муҳим вазифалардан бўлиб қолди. Айниқса, уюшган жиноятчиликни қуритиш керак. У бамисоли ажриқсимон бегона ўт — секин-аста кўп жойни эгаллаб бораверади.

Жиноятчиликнинг томирига болта уришнинг энг самарали усули биргаликда аёвсиз курашишдир. Қўшниларимиздаги аҳволга бефарқ қараш, уларга кўмаклашмаслик фақат жиноятчига йўл очади.

Шунинг учун икки қўшни туман аҳолиси тинчлик, хотиржамлигини таъминлашни мақсад қилиб, янада жипслашган ҳолда иш олиб бораверамиз.

**Х. ОЛИМХЎЖАЕВ,**

**Тошкент тумани ИИБ бошлиғи, милиция полковниги**



Туманимиз ҳудудини Қозоғистоннинг қўшни Сариоғоч тумани билан ўртадан оқиб ўтадиган бир ариқ ажратиб туради, холос. Мана шу жойни биз чегара деб атаб келамиз. Ариқнинг бир томони Ўзбекистон бўлса, нариги қирғоғи Қозоғистон. Ўртадаги масофа бир қадам. Ариқдан хатлаб ўтган киши ўзга давлат ҳудуди ерида турганини ҳатто ҳис қилмайди. Чунки кўҳна она замин тупроғининг туси, ҳарорати ариқнинг у тарафида ҳам, бу тарафида ҳам бир хил. Ундаги ўт-ўланларда ҳам фарқ йўқ. Доимо майин эсиб турадиган шабада гоҳ Ўзбекистон боғларидан Қозоғистоннинг чексиз адиру-чўллари узра гуллар ҳидини уфуриб турса, гоҳ чўл ҳавоси биз томон сурувлар нафасини, дўстлик исини пуркаб туради. Ҳа, бу ерда ҳар икки халқ бир ҳаводан нафас олади. Ҳар икки тарафда қад ростлаган уйлар ҳам ўзаро монанд ва ҳамоҳанг қурилган. Одамлари-чи? Уларни бир-биридан ажратиш амри-маҳол. Бир қарашда осонгина ажратиб олиш мумкиндек туюлса-да, уларнинг ранги-рўйи ҳам, сўзлашув оҳанги ҳам, юриш-туриши, муомаласи ҳам шу қадар бир-бирига ўхшашки, асли бир авлод фарзандлари эканига зинҳор гумон қолмайди.

Қадимда бу ерда ҳеч қандай чегара бўлган эмас. Одамлар эркин ҳаракат қилишган. Ҳозирга келиб эса мана шу оддий бир ариқ чегара вазифасини ўтайдиган бўлиб қолди. Ушбу ариқдан оқиб ўтаётган сув барчамизни баробар қондиради. Ундан ҳар икки халқ баҳраманд.

Ота-боболаримиздан қолган "қўшнинг тинч — сен тинч" ёки "узоқдаги қариндошингдан яқиндаги қўшнинг яхшидир" деган нақллар ниҳоятда тўғри ва хўп топиб айтилган. Ҳеч бир оила йўқки, қўшниси нотинч бўла туриб ўзи тинч яшаса. Ҳар қандай оғир, қийин дамларда ҳам узоқдаги яқинларинг, қариндошларинг етиб келгунча ёнингдаги қўшнинг ёрдамга чиқади. Бу оддий ҳақиқат ва бундай қўшничиликнинг қадрига етмоқ ҳам қарз, ҳам фарздир.

Куни кеча жонажон ватанимиз Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллиги катта тантаналар билан нишонланди. Бу биз учун бахтдир. Чунки истиқлолга эришиш бизнинг авлодимизга насиб этди. Эндиликда ҳар икки халқнинг ҳам аждодларимиз каби ўз эрки, ўз озодлиги билан яшаётгани айни муддаодир. Энди бизнинг олдимизда турган вазифа қўлга киритилган ушбу мустақилликнинг қадрига етмоқ, уни мустаҳкамлашнинг барча чораларини кўришдан иборат бўлмоғи зарур. Бу шунчалик



Тошкент тумани ИИБ катта участка вакили, милиция капитани Сайдаҳмат Ҳимоятов (чапдан биринчи) ва вояга етмаган ёшлар билан ишловчи инспектор, милиция катта лейтенанти Умарали Абдуазизов (ўнгда) Сариоғоч туманига келишди. Улар Сариоғоч туманининг ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи, милиция капитани Муҳиддин Жумабеков, штаб бошлиғи, милиция капитани Турехан Жониқулов, туман прокуратураси терговчиси Сапарбек Майлибоевларга тезкор вазият юзасидан маълумот беришмоқда.



Туманлар жиноят-қидирув тизими ходимлари ҳозирги пайтда ҳар доимгидан ҳам ўзаро яқин алоқаларда иш юритмоқдалар. Бу айниқса, содир этилган жиноятларнинг тез ва излар ҳали йўқолмасиданоқ очилишида ўз самарасини бермоқда. Сиз кўриб турган ушбу суратда Тошкент тумани ИИБ Жиноят-қидирув бўлими бошлиғи (чапдан учинчи) милиция капитани Ўринбой Қодиров Сариоғоч тумани ИИБ ЖҚ ходимлари милиция капитанлари Жўлдабек Жангелдиев, Сабит Исманов ва Марат Халиқовлар билан суҳбатлашмоқда.

айтилаётган гаплар эмас, шунинг учун ҳам биз Сариоғоч тумани ички ишлар бўлими билан яқин алоқалар ўрнатганмиз. Чунки Сариоғоч тумани ИИБ бошлиғи Марат Ақилтоев айтганидек, ҳақиқатдан ҳам жиноятчилар учун чегара йўқ. Улар ўзларининг қонунга зид кирдикорларини, ифлос ишларини амалга ошириш учун фақат қулай жой ва фурсат қидирадилар, холос. Жиноятчиларга ўз ҳаракатларини у ерда амалга оширадиларми ёки бу ерда, барибир. Мақсадлари битта — ўзгалар бахтсизлиги эвазига ўз бахтларини яратишдир. Шу сабаб ҳам ҳар икки туман ИИБ ходимлари ягона ҳудуд яратиш принциплари асосида бир-бирларининг ерида ўзлариникидек бемалол ҳаракат қилмоқлари зарурки, бу шу куннинг тақозосидир. Биз бундай шароитни аллақачон яратиб қўйганмиз. Акс ҳолда жиноятга қарши курашиш ҳавога қараб ўқ отиш, бўшлиққа қараб пуфлашдан бошқа нарса бўлмай қолур эди. Шунинг учун жиноятчи чегара билмайди деган сўзларга мен қўшимча қилиб "дўстлик ҳам чегара билмас" деган иборани айтишни истардим. Шахсан мен ўзим кунда-кунора Сариоғоч тумани ИИБ бошлиғи билан учрашиб тураман. Оператив вазият тўғрисида тиниқ тасаввурга эга бўлиб оламиз. Ўзаро маълумот алмашишни қатъий йўлга қўйганмиз. Биздаги бундай яқинлик, биродарлик ходимларимизга ҳам кўчган. Улар ҳам қўшни туман милиция ходимларини жуда яхши танишади ва кўплаб ишларни ҳамжиҳат ҳал этиб келишмоқда. Чунки улар ҳар бир ярамас иллатга қарши кескин кураш олиб бориш, илдизини қирқишда дўстлик улкан кучга эга эканлигини дилдан ҳис этишмоқда.

Бундай дўстликка энг аввало ҳар икки давлатнинг президентлари катта намуна кўрсатиб катта йўл очиб беришди. Тили ҳам, дини ҳам, одатлари ҳам бир-бирига ўхшаш бу халқларни ҳеч қачон ажратиб бўлмаслигини, қардошлик аломатлари қадимдан чуқур илдиз отиб кетганлигини бир неча учрашувларда амалда кўрсатиб беришди.

Ҳар икки туман ҳокимлари ҳам бу қардошликка алоҳида эътибор билан қараб келишмоқда. Бевосита уларнинг ташаббуслари билан кўплаб ибратли, савобли ишлар қилинди. Биронта ҳам байрам ҳар икки халқ вакиллари иштирокисиз ўтмайди. Оддийгина йиғинлар ҳам гўёки тўйга айланиб кетади. Туманларда дўстлик боғлари ташкил этилган.

Туман жиноят - қидирув бўлинмаси ходимлари Ўринбой Қодиров, Толибжон Қаюмов, Ғайбулла Раҳматуллаев, милиция участка вакиллари Сайдаҳмат Ҳимоятов, Ғофир Юсвалихўжаев, Мурод Ҳакимов, ВЕИН назоратчилари Раҳмат Асадов, Умар Абдуазимов каби жонкуяр ходимларимизнинг сидқидилдан қилаётган меҳнатлари эвазига туманимизда ўтган етти ой ичида содир этилган жиноятларни очиш 85,9 фоизга етказилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврида 81,7 фоиз эди. Бу албатта ходимларнинг қўшни туман милицияси билан ўзаро ҳамкорликни кучайтириши, ахборотлар оперативлигини таъминлаши, тезкор вазиятни мукаммал билиши натижасидир.

Умуман, туманимиз пойтахт Тошкент шаҳрининг шундоққина биқинига жойлашган бўлиб, бизнинг ҳудуд орқали дунё бозорига чиқилади. Аҳолиси зич, ўзига яраша саноати, қишлоқ хўжалигига эга. Шундай экан, доимо бу ҳудудни жиноят оламидан тоза бўлиши бизга боғлиқдир. Ўйлайманки, дўстлик ипи мустаҳкам бўлиб дилни дилга пайванд қилиб тураверар экан муваффақият доимо биз биландир. Халқларимиз эса тинч, осойишта яшайверадилар.



Машиналарни олиб қочиш, гиёҳвандлик моддалари, курол-аслаҳаларни олиб кетиш ва оқибатда жиноятлар содир этилишининг олдини олишда давлат автомобиль назорати ходимларининг хизмати, уларнинг зийраклиги ниҳоятда зарурдир. Бунинг учун эса ўзаро ҳамкорлик муҳим роль ўйнайди. Ушбу суратда Сариоғоч тумани ДАН бошлиғи, милиция капитани Камол Қалубоев, инспектор Дусали Асилбоев ва Тошкент тумани ДАН катта инспектори, милиция катта лейтенанти Қўчқор Аҳмедовлар тез-тез учрашиб туришади. Бу учрашувлар фақат ишга ёрдам бериб келмоқда.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган суратлар.





# ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

МИЛИЦИЯ подполковниги Абутолиб Назаров 1992 йили Сирдарё вилояти Қўриқлаш бўлимига бошлиқ қилиб тайинланганда бўлим аҳволи ночор эди. Сабаби, ташкилот ва корхона раҳбарлари, аҳоли бўлим аҳамиятини ҳали яхши ҳис этмас ёки тўлов пулидан қизғанардилар, хасис икки карра сарфлашини тушунгилари келмас эди. Шунинг учун иккита тумандаги бўлинмалар тугатилган, уч-тўрттаси тугатиш арафасида эди. Ўғирлик ва талончиликлар эса авжига чиққанди. Натижада вилоят ҳокимияти йирик ташкилотларни Қўриқлаш бўлимига топшириш тўғрисида қарор чиқарди. Гулистон шаҳар ёғ-экстракт, ун, 10та пахта заводи, 3та, нефть базаси, 13та туман судлари маъмурий бинолари ва бошқа муҳим объектлар милицияга топширилди.

Хуллас, Қўриқлаш бўлими одамлар ишончига кира бошлади. Шу йил етти ой ичида 21та жиноятнинг олди олиниб, 24та жиноятчи ушланди.

Ўзлигини топаётган бўлим яқинда янги бинога кўчиб ўтди. Янги техникалар билан жиҳозланди.

Эндиликда давлат, халқ мулки ишончли қўлдадир.



**СУРАТЛАРДА: вилоят ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлими катта инспектори, милиция катта лейтенанти Искандар Эшонқулов 1987 йилдан буён ички ишлар идораларида хизмат қилиб келмоқда. У ўз масъулиятини чуқур ҳис қиладиган ходимлардан бири; қўриқлаш бўлими ходимлари милиция капитанлари К. Тастанбеков ва К. Норбековлар янги маълумотлар билан танишмоқдалар. К. Ибрагимова эса доимо ўз постида зийрак, ҳар бир сигналга эътибор билан қарайди; тезкор гуруҳ навбатдаги кўрсатма бўйича йўлга чиқди.**

**Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган суратлар.**

# ФАҚАТ ВИЖДОНАН ВА ФИДОКОРОНА ХИЗМАТ

ПРАПОРШЧИК МИРАЛИ Замонов бошчилигидаги ҳарбий наряд йўналиш бўйлаб бормоқда эди. Сувли фляганн кўтариб келаётган икки нафар ҳукм қилинган кишининг хатти-ҳаракати тўсатдан назоратчининг эътиборини ўзига тортди. Вақт алламаҳал бўлиб қолган, уларнинг ҳар томонга аланглаши прапоршчикни тезда ҳаракат қилишга мажбур этди. Ҳақиқатан ҳам, идишнинг ичига қаралганда тақиқланган нарсалар топилди, улар фляганинг таг қисмига пухталик билан яшириб қўйилган экан.

***

ҲУКМ ҚИЛИНГАНЛАР назоратчиси... Бундай лавозимдаги ҳарбий хизматчи жангчи сифатида қатъиятли, тарбиячи сифатида жуда сабр-тоқатли ва одоб-эҳтиром билан иш тутадиган бўлиши керак, мутахассис сифатида эса катта билимга эга бўлиши даркор.

Яхши назоратчи бўлиш учун фақат виждонан хизмат қилиш, ўз постида фидокорлик кўрсатиш лозим.

Бўлинманинг илғор назоратчиси, назоратчилар взводи сардорининг ўринбосари, прапоршчик Рамазон Худойқулов ана шундай деб ҳисоблайди.

— Бизнинг ишимизни, — дейди Рамазон, — жангга қиёслаш мумкин, у яхшилик йўлида ёмонликка қарши ўзига хос курашдир.

Ҳарбий наряднинг моҳир бошлиғи Худойқулов ҳар гал объектга ўз ишини янада самарадор ва фойдали қилиш фикри билан йўл олади. Унинг ишлари бошидан ошиб ётибди, зеро у қонунчиликни таъминлаши, ҳуқуқбузарларга қарши курашиши, ҳукм қилинганларнинг муносабатларида нохуш кўринишларга йўл қўймаслиги керак... Бунинг устига яна жанговар ўқув, взвод жангчиларига билим, тажриба ўргатиш, ниҳоят, бошловчи назоратчиларга ўз касбини ҳурмат қилиш туйғусини сингдириш ҳам унинг зиммасида.

Худойқулов ўзига серташвиш хизматни танлаб олган, унинг асосий фарқловчи хусусияти — виждонан хизмат қилишдир.

Қишки ўқиш даври якунлари бўйича прапоршчик Р. Худойқулов жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси бўлди.

***

ҲУКМ ҚИЛИНГАН уч киши қочиш учун узоқ ва пухта тайёргарлик кўришди. Қочув ташкилотчиси бўлган "Ғилай" ўз шерикларини шоширарди, зеро қочиш куни яқинлашмоқда эди. Улар байрам кунини бежиз танламаган эдилар. Назоратчилар байрам кайфиятида бўладилар, ҳушёрликлари сусаяди деб ўйлашган эди. Қочиш иштирокчиларидан бири — каратэ усулларини яхши биладиган бақувват маҳкум сезиб қолинган тақдирда қолганларнинг қутулиб қолишига имкон яратиши, бир вақтлар шахтада ишлаган "Кўрсичқон" эса асосий ишни бажариши — лаҳм қазиши керак эди.

Ҳамма нарса тахт қилинди. Ҳамма ёқда жим-житлик ҳукм сурган ярим тунда "Ғилай" қатъий оҳангда: "Кетдик!", — деди. Лаҳм қазиш учун жой муваффақиятли танланган эди: ишлаб чиқариш хонасининг ҳеч ким сезмайдиган бурчаги. — Қани, бошла! — деди у "Кўрсичқон"га.

Ётоқ хоналарини айланиб юрган ҳарбий наряд бошлиғи, прапоршчик Б. Ли бир хонада бўш кроватни кўриб қолди.

— Ўртоқ майор, ҳукм қилинган С. ўз жойида йўқ, — деб ахборот берди у ички хизмат майори Э. Земцовга, — уни топиш керак.

Гап шундаки, "Ғилай" ҳуқуқбузарликка мойил шахслар рўйхатига киритилган бўлиб, унинг йўқлиги дарҳол ташвиш уйғотарди.

— Яхши, ана шу участкани кўриб чиқинглар, — деди майор.

Ҳарбий наряд бошлиғи С. Ли прапоршчик Х. Исмоилов ва сержант С. Абдураимов билан бирга ишлаб чиқариш участкасининг ёрдамчи хоналарини кўздан кечира бошлади. Прапоршчик Ли бу объектда ўн йилдан бери хизмат қилади, доимо ўз вазифаларини пухта билиши, касбга доир сезгирлиги ва қатъияти билан ўрнак бўлиб келади.

Тўсатдан катта назоратчи цехда чироқ ялтираётганини кўриб қолди. "Бугун — дам олиш куни, электр ҳамма жойда ўчирилган. Қизиқ!" — ўйлади у.

— Исмоилов, бизга кейин ёрдам берасан,— деди у прапоршчикка ва ўзи сержант билан бирга чироққа қараб юрди. Уни ҳиссиёти алдамаган экан: тайёр маҳсулот тахлами орқасида бир неча соя кўзга ташланди. Прапоршчик Ли "Ғилай"ни дарҳол таниди.

— Яқин келма, — деб ваҳшиёна хириллади "Ғилай", лекин Борисни қўрқитиш мушкуллигини у яхши биларди.

— Тепага чиқинглар, — деди Ли қазилган чуқурликдаги кишиларга. Асбоб ва мосламалар улар нима билан машғул эканлигига тилсиз далил эди.

Шунда тўдабоши жон аччиғида "қаратэчи" билан биргаликда назоратчиларга ҳужум қилди. Узоқ давом этмаган олишувда жангчилар ғолиб чиқдилар — бўлинма шахсий таркиби билан махсус тактик тайёргарлик бўйича мунтазам шуғулланиш ўз самарасини берди. Шу вақт ҳарбий нарядга ёрдам — объект маъмурияти ходимлари етиб келишди.

**Лейтенант Ш. КАРИМБОЕВ.**





# МУСТАҚИЛЛИК КУНИ ШАРАФИГА



РЕСПУБЛИКА ИИВда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги учинчи маротаба тантана билан нишонланди.

Байрамга ҳозир қарилик гаштини сураётган ички ишлар идораларининг фахрийлари, ички ишлар идоралари ходимлари, санъаткорлар таклиф этилди.

Йиғилганларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-лейтенанти З. Алматов байрам билан табриклади. Сўнгра жиноятчилар билан курашда ҳалок бўлган ички ишлар ходимлари хотирасига бир дақиқа сукут сақланди.

Сўнгра ИИВ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ғ. Р. Раҳимовга сўз берилди.

Ички ишлар идораларининг фахрийлари, ҳозир хизмат қилаётган ходимлар, шунингдек ҳалок бўлган ходимларнинг бир гуруҳи (ўлимидан сўнг) "Жасорат" ва "Шуҳрат" медаллари билан тақдирланди. Республика ИИВ Ички Қўшинлар бошқармаси намунали оркестрининг созандалари ва меҳмонлар — Ҳамза номли Академик театр артистлари, шунингдек таниқли санъаткорлар ўз чиқишлари билан йиғилганларни хурсанд қилдилар. Байрам тантанаси охирида дастурхонга палов тортилди.

**Ҳ. ШОДИЕВ.**

**Суратларда: байрам тантанасидан лавҳалар.**

**Муаллиф олган суратлар.**

# *Табриклаймиз!*



*Азиз ва меҳрибон оилабошимиз, севимли дадажонимиз, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ходими, милиция майори Шаҳобутдинов Сайфутдин Шаробуддинович, Сизни навқирон ёшга тўлишингиз билан чин кўнгилдан муборакбод қиламиз. Сизга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам саломатлик, машаққатли хизматингизда чексиз муваффақиятлар, ҳаёт йўлингиз доимо равон ва чароғон бўлишини яратгандан тилаб қолувчи*

**РАФИҚАНГИЗ САЙЁРАХОН, ҚИЗИНГИЗ САДОРАТ.**



*Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси бўлинмасининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича катта инспектори, милиция капитани, азиз ва меҳрибон дадажонимиз Рустам Боқиевич ДУСЯРОВни 34 ёшга тўлганликлари муносабати билан чин дилдан табриклаймиз.*

*Рустам ака, дадажонимиз! Умрингиз узоқ, саломатлигингиз мустаҳкам, ишларингиз омадли, пойқадамингиз қутлуғ бўлишини яратгандан сўраб қоламиз.*

**Эҳтиром билан турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингиз.**

# ГУЛЗОРДА САРИҚПЕЧАКЛАР КЎП...

Башанг кийинган, кўринишидан ўзига тўқ аёл ҳеч қаёққа алангламасдан, фақат аёлларгагина хос кибрли ҳаракатлар билан кетиб бораяпти. Мана, у ўз уйига етиб, лифтни чақирди. Ёнгинасига келиб қўққайиб туриб қолган йигитга қиё боқиб ҳам қўймади. Лифт очилгач, иккови ҳам ичкари киришиб, тепага “йўл“ олишди. Аммо олтинчи қаватга етиб, аёлнинг ҳамроҳи лифтни шарт тўхтатди-ю, тилга кирди: “Жон керак бўлса, борингни чўз!“ Аёл аввалига бир дам каловланиб турди. Йигитнинг қўлидаги пичоққа кўзи тушгачгина нима қилиш кераклигини дарров англаб етди. Шоша-пиша ёнидаги минг сўм пулини, бош кийими ва тилла балдоқларини “қирчинингдан қийилгур“га узатди. “Бақириқ-чақириқнинг кераги йўқ. Энг муҳими, жонингиз омон, мол топилади“. Йигит ўз тилида шундай дея аёлни лифтдан чиқариб юборди ва керакли тугмачани босиб, қуйига “шўнғиди“.

Шўрлик аёл уйига келиб нафас ростлаб, эрига воқеани айтгунича ва эрининг то пастга тушгунича талончининг изи ҳам совуб бўлганди...

Бу Дмитрий Резниковнинг якка ўзи амалга оширган биринчи иши эди. Бундан сал олдинроқ эса “тижорат“га бош суқиб, бир чув тушган. Хизматдан эндигина қайтган пайтлари эди ўшанда. Бел оғритиб ишлагиси келмади. Яшаб турган Новосибирск шаҳрида Юра исмли йигит билан чиқишиб қолгач, бир дунё сигарета билан Тошкентга учишди. Юра тезда харидор топиб, сигареталарни кўтарасига пуллади-да, бир тийинини ҳам Дмитрийга қолдирмай қочворди. Доғда қолган Дима тақдирга тан бериб, бошпана излашга тушди. Топди ҳам. Елена Акалаева деган аёл уни фалон пул билан ижарага қўйди. Дима Еленанинг ўйнаши — Андрианик билан бирлашиб, яна текин даромад излашга тушди. Аммо ҳадеганда омади юришавермади. Елена кутган пули қўлига тушавермагач, Димани кўчага қувиб солди. Ландовур жазманининг ҳам орқасига тепди. Андрианик “тақдирдош“ оғайнисини ўз уйига олиб келди.

Ана шу воқеалардан сўнг Дима илк бор юқорида баён қилинган жиноятга қўл уриб, биринчи муваффақиятига эришди. Эвазига ичимлик ва газак олиб, дўстини меҳмон қилди. Ушбу воқеа сабаб “лифт ичида пул топиш“ усули унга жуда ёқиб тушди.

Марказ -14 даҳасида 60 ёшли кампирнинг изидан тушди. Лифтга чиқишгач, онахон тўққизинчи қаватни, Дима эса еттинчини босди. Бешинчи қаватда эса... аёл қўлидаги ва қулоғидаги тақинчоқларни ечиб берди. Қўлидаги сумкасини эса орқасига яширишга уринди. Ва бу билан сумкасида нимадир борлигини талончи “невара“сига билдириб қўйди. Оқибат 12 минг 200 сўм-купон ҳам нафис ҳамёндан чуқур чўнтакка кўчди.

Кампир ҳам бўлган воқеани эри ва ўғлига тушунтиргунича вақт ўтиб бўлганди...

Йигит топган нарсасини доим Андрианик билан баҳам кўрарди. Табиийки, бу топилдиқларни тортиб олаётганини шеригига айтмасди, йўқса, кўчада қолиб кетиши мумкин. Андрианикнинг сўровига жавоби доим бир хил бўларди: “Бугун бизнес зўр бўлди“.

Хуллас, бу каби бир хил сценарийли воқеалар тез-тез такрорланар, жабрга учраганлар “бошимдан садақа“ дея жим қолишаверар, Дима эса ишининг яхши кетаётганидан дадиллашиб, янги режалар тузаверарди.

Юнусободда Сайёра исмли аёл чарм курткаси ва тўрт минг сўм-купон пулидан, Чилонзорда Дўстмуҳамедова шарифли жувон узук-балдоқлари ва ўн минг сўм-купон пулидан лифт ичида айрилдилар.

Аммо бир гал Диманинг қўлга тушиб қолишига бир баҳя қолди. Нозик вазиятдан эса уни жабрланувчининг ўзи қутқарди. Шаҳарнинг Марказ-14 даҳасидаги 21-уй айвонида “хизмат“га шай турган Дима лифт олдида тўхтаган аёлга ҳамроҳ бўлди. Лифтда тугмачани аввал аёл босди, кейин Дима... Лифт олтинчи қаватда тақка тўхтади. Диманинг пичоқли қўли аёлнинг биқинига, бўш қўли эса тилла узук тақилган қўл томон чўзилди. Аёл саросималаниб, йигитни ўзидан узоқлаштиришга уринди: “Нима қиляпсиз?!“ Шу пайт лифт эшиклари очилди-ю, икки киши ичкари кирди. Аёлга эса худо берди: “Ўғлим тенги чурвақасан, тегишгани ёшроғи қуриб кетганми сенга, ергина юткур!“ Дима ўлжадан айрилганига бир ачинган бўлса, силлиққина қутилганидан икки қувонди.

Аммо сал вақтлироқ қувонган экан. Буюмини олдирганлардан бири дадиллик қилиб, милицияга хабар берибди. Ариза тушгандан сўнг орадан икки кун ўтар-ўтмас Дмитрий ўзини терговчи қаршисида кўрди. Мирзо Улуғбек тумани Ички ишлар бўлими терговчиси Н. Беганов Дмитрий Резниковнинг бошқа жиноятларини ҳам “сув юзасига“ чиқарди. Йигит Миробод туманида тўрт бор, Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларида уч карра, Юнусобод туманида эса икки марта ўғирликка қўл урган экан. Тергов ишлари анчагина чуқурлашаётганини кўрган Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Тергов бошқармаси бошлиғи ишни якунига етказиш учун терговчи, милиция капитани Т. Низомов зиммасига юклади.

Жиноятчидан олинган ашёвий далиллар ойнаи жаҳон орқали кўрсатилгач, бирин-кетин буюм эгалари кела бошладилар. Улар айбланувчи билан юзлаштирилди. Талончини қарғаб-сўкиб (“уруш“ тугагандан сўнг ботирликлари қўзғаган-да), ҳовурларидан тушдилар.

Хуллас-калом, Дмитрий Резниковнинг жами бўлиб ўн тўққиз бор босқинчилик ва ўғирликлар содир қилгани рад этиб бўлмас далиллар билан исботланди ва унинг тақдири одил суд ҳукмига ҳавола қилинди.

Биз эса юртдошларимизга мурожаат қилмоқчимиз. Нега жимсиз? Пулингизни ва пулга сотиб олган буюмларингизни бир аҳмоққа бериб қўйиб, яна нега жим юрасиз? Ҳалол (...) пулингиздан айрилиб, милицияга хабар бермай, талончи боланинг қўлтиғига сув пуркаганингизни англаб етаяпсизми? Ўзингизга ўхшаган жабрланувчиларнинг кўпайишига йўл очиб берганингизни идрок қилаяпсизми? Биргина ариза тушди-ю, жиноятчи ушланди. Ахир, буни аввалроқ қилиш мумкин эди-ку. Келинглар, бунчалик совуққон, лоқайд бўлмайлик. Бугун пичоқ билан қўрқитган кимса эртага уни ишга солиши ҳам ҳеч гапмас.

Бу биргина келгинди боланинг кўрсатган ҳунарлари. Бунақалар нечта. Ишқилиб, халқни шундайлардан ҳимоя қилаётган, юртини шундайлардан тозалаётган осойишталик посбонларининг жонига тўзим берсин.

**И. РАҲИМОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ матбуот гуруҳи ходими, милиция майори.**

## ҚИСҚА ХАБАРЛАР

САРИОСИЁ тумани ҳудудидаги тоғ этакларида сурувини боқиб юрган подавон Жума Ашуров қароқчилар ҳужумига учради. Номаълум шахслар чўпонни роса калтаклашиб, сўнгра унинг отаридаги 8 бош қорамолини ҳайдаб кетишди. Сариосиё тумани ИИБ ходимлари бу жиноятни содир этган олти нафар текинхўрни қўлга олишди. Жиноятчилардан икки нафари подавоннинг ҳамқишлоқлари, иккитаси қўшни тумандан бўлса, қолганлари тожикистонлик "меҳмонлар" экан.

* * *

ТУШГА ЯҚИН бозор-ўчар қилиш учун кетган нафақадор С. Раҳматов уйига қайтиб келиб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Ўғрилар видеомагнитофон, телевизор, палосларини ўғирлаб кетишибди.

Бироқ қарияннинг моли ҳалол экан, ўғрилар ўша куниёқ қўлга олинди. Саид бобо Жарқўрғон тумани ички ишлар бўлими ходимларидан жуда хурсанд.

**Сафар АБДУВОҲИДОВ,**
**Сурхондарё ВИИБ матбуот гуруҳи ходими, милиция старшинаси.**

*БИЗНИНГ СУҲБАТ*

# ЙЎЛЛАРДА ҲАРАКАТЛАНИШ ҚОИДАЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

***Ўзбекистон республикаси ИИВ ДАН фаолиятида кейинги пайтларда жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Шулардан бири — "Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари"нинг қайта тайёрланишидир.***

***Яқинда мухбиримиз республика ИИВ ДАН Бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Маҳмуд Бобомуродович Бекмуродов ҳузурида бўлиб, худди ана шу мавзуда суҳбатлашди.***

**МУХБИР: — “Йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини“ қайта тайёрлашдан мақсад нима эди?**

**М. БЕКМУРОДОВ:** — Республикамиз мустақилликка эришгач, бошқа соҳалар каби Давлат автомобиль назоратининг асосини ташкил қилувчи меъёрий ҳужжатлар манбаини яратиш лозим бўлди. Шу тахлит ДАН фаолиятига тегишли 20 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қайта тайёрланди. Мазкур қоидалар ҳам шулар жумласидандир. Маълумки, шу кунгача амалда бўлган қоидалар 1987 йилда қайта ишланиб, таржима қилинган эди. Вақт ўтиши ва тарихий ўзгаришлар унинг бугунги кун талабларига жавоб бермаётганлигини, ҳаётдан анча узилиб қолганини кўрсатди.

Шулардан келиб чиқиб ва маҳаллий шароитимизни ҳисобга олган ҳолда ўз қоидаларимизни яратишга киришдик. Қоидаларнинг, энг аввало, ҳаётий бўлишига катта аҳамият берилди. Ундаги мажбуриятлар, талаблар, чеклашлар ҳаққонийликдан келиб чиқиб белгиланди.

Бундан ташқари йўлларнинг ҳолати иқлимимиз, транспорт воситаларининг техник имкониятлари ҳам эътиборга олинди. Ибораларни ишлатишда, ифодалашда тилининг содда ва равон бўлишига алоҳида аҳамият берилди.

“Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари“ кенг фуқаролар оммасига мўлжаллангани учун ҳам лўнда ва содда, тушунарли бўлишига ҳаракат қилдик.

**МУХБИР: — Нима сабабдан аҳоли яшайдиган жойларда барча транспорт воситаларининг тезлиги соатига 70 км. дан ошмаслиги белгиланди?**

**М. БЕКМУРОДОВ:** — Таҳлиллар шуни кўрсатдики, аҳоли яшайдиган жойларда белгиланган 60 км. тезликка риоя қилмаслик 1992 йилда аниқланган қўпол қоидабузарликларнинг 24,2 фоизини, 1993 йилда 30,2 фоизини ташкил этган. Бу аниқлангани, холос. Мазкур ҳолат бугунги шароитда аҳоли яшайдиган жойларда белгиланган тезлик ҳаётий эмаслигидан далолат беради.

Аҳоли яшайдиган жойларда тезлик соатига 30 км. қилиб белгиланса-да, ҳаракатланиш хавфсизлигига таҳдид соладиган йўлларда, кўчаларда тезлик алоҳида йўл белгиси билан 40, 50, 60 км/с. этиб чекланиши мумкин. Бу масалани йўл шароитига қараб жойлардаги ДАН раҳбарияти ҳал этади.

Ҳайдовчиларнинг, мутахассисларнинг фикри, йўлларнинг ҳолати, кенглиги, транспорт воситаларининг сони, русуми, тормоз тизимининг анча мукаммаллашгани, йўл устки қисмининг деярли қуруқлиги туфайли транспорт воситасини яқин масофада тўхтатиш мавжудлиги инобатга олиндики, бу ҳолатлар ҳам аҳоли яшайдиган жойда бугунги кунда тезликни соатига 70 км.гача қилиб белгилашни тақозо этади. Акс ҳолда биз сунъий қоидабузарликлар ва сунъий қоидабузарлар сонини кўпайтириб, кўплаб шахсларни ноўрин жазолаш, уларнинг кайфиятларини бузиш, баъзи бир норозиликлар ва адолатсизликка йўл қўйиш каби ҳолатларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлишимиз мумкин. Ҳозирги давр кўпгина масалаларни оператив ҳал этиш, турли тажрибалар ўтказиш, янгиликлар киритиш ва эскиликдан воз кечиш, ташаббус кўрсатиш ва баъзан чекинишни тақозо этади.

Бу даврда ўзини оқлаган ташаббус ва янгиликлар, тажриба тариқасида амалга оширилган тадбирлар ўзини оқласа, республикамиз ва халқимиз манфаати йўлида хизмат этиб, ижобий натижалар берса, кундалик турмушимизга сингиб, ўзининг ҳаётийлигини сақлаб қолади, ўзини оқламаганлари эса вақт ўтиши билан ҳаётийлигини йўқотади.

Шундай экан, янги қоидалардаги ўзгаришлар, чеклашлар, талаблар ҳам табиийки, умрбоқий эмас. Давр, ҳаёт ва тараққиёт тақозоси билан ўзгариб боради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам мамлакатимиз мустақил деб эълон қилингач, биринчи бор қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари“ ватанимиз ва халқимиз ҳаётида муҳим ўрин тутиб, уларнинг манфаатлари йўлида хизмат қилиши муқаррар.

**МУХБИР: — Транспорт воситаларини бошқаришда ҳозир неча ёшдан рухсат берилади?**

**М. БЕКМУРОДОВ:** — Маълумки, эски қоидаларда енгил автомобилда ўрганувчиларнинг ёши 16, мотоциклда эса 14 ёш деб белгиланган. Янги қоидаларда автомобилларда ўрганувчиларнинг ёши 17, автобус, трамвай, троллейбусларда 20, мотоцикл, мопед, мотороллерда ўрганувчиларнинг ёши 16, велосипед, от-арава (чана) ни бошқариш, ҳайвонларни йўлларда ҳайдаб бориш, уларни миниб юриш 13 ёш деб белгиланди. Бу билан улар ҳаракатланишнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиларига айланиш, демакки, хавфсиз ҳаракатланишни таъминлашга бирдек жавобгар эканликларини унутмасликлари лозим.

**МУХБИР: — Маҳмуд Бобомуродович, айни пайтда автомобилларда тасма (ремен) тақмаганлик учун жавобгарлик олиб ташланибди. Бунинг асосий сабаби нимада?**

**М. БЕКМУРОДОВ:** — Бу масалани ҳал этишда ҳайдовчиларнинг руҳий ҳолатига салбий таъсир этадиган факторлардан бири тасма эканлигини инобатга олдик. Ҳайдовчи доим безовта, ё ўзи тасма тақишни унутади, ёки йўловчига тасма тақишни айтиш эсидан чиқади. Баъзи ҳолларда эса ДАН ходимига кўзи тушиб, тасма тақиш ёдига тушади ва айбини яшириш мақсадида уни шундоққина елкасига ташлаб қўяди. Худди шу йўл билан йўловчисини ҳам шундай қилишга мажбур этиб, ўзини ҳам, ДАН ходимини ҳам алдайди ёки ДАН ходими томонидан тасмани тақмагани учун маъмурий жазога тортилади.

Охир-оқибатда машинани бошқариш ўрнига хаёли тасмада бўлиб қолади. Бу ҳам йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқариш сабабларидан биридир.

Иккинчидан, бизнинг шароитимиз асосан иссиқ, беркитишнинг ҳожати йўқ, кўчаларимизда чанг кўп. Бадан терлайди, тасма эса чанг, уни тортиб елкадан осиб боғлагандан кейин кийимда тасманинг изи қолади. Бу ҳолатлар табиийки, ҳайдовчиларнинг ҳам, йўловчиларнинг ҳам кайфиятларига салбий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, кўп йиллик тажрибадан маълум бўлдики, тасма бировни ўлимдан сақлаб қололмас экан. Бироқ тасма тақмаганлари учун маъмурий жазога тортилганларнинг сон-саноғи йўқ. Юқоридагиларга кўра, ҳайдовчиларимизнинг дунёқараши, савияси, билимининг бугунги кундаги даражасини инобатга олиб, тасма тақишга мажбур этишни ҳаётий талаб деб ҳисобламадик. Уни тақиш ёки тақмасликни ҳайдовчиларнинг ихтиёрига қолдирдик.

Жавобгарлик бўлмаса-да, ушбу масалага онгли ёндошиб, транспорт воситаларининг тезлиги юқори бўлган вақтларда тасма тақишни маслаҳат берамиз, холос.

**МУХБИР: — Товуш сигналлари таъқиқлангани ростми?**

**М. БЕКМУРОДОВ:** — Кейинги пайтда турли хил товуш сигналлари қўйилган транспорт воситалари ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Ҳаттоки, музика оҳангидаги товуш сигналлари ҳам пайдо бўлиб қолди. Бундай сигналларни пиёда ва ҳайдовчиларимиз мусиқа оҳангида бўлганлиги сабабли тушунишмайди. Бундай товуш сигналлари ҳайдовчи ва пиёдаларимизни чалғитади. Бу ҳолат йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олмайди, аксинча, келтириб чиқаради ва фуқароларимизнинг бундай “мусиқали“ ҳайдовчиларга нисбатан нафратини уйғотади.

**МУХБИР: — Маҳмуд Бобомуродович, суҳбатимиз сўнгида “Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари“нинг янги талаблари тўғрисида тўхталсангиз.**

**М. БЕКМУРОДОВ:** — “Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари“ янги талабга кўра, барча ўрта мактабларда, махсус билим юртларида, мактабгача бўлган болалар муассасаларида ўқитилиши лозим.

Бундай талабнинг киритилиши мустақил республикамиз халқининг фаровонлигини ва йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига итоат қилишни таъминлашдан иборатдир.

Шунингдек, йўлларда ҳаракатланиш иштирокчилари ўзаро хушмуомалада бўлишлари лозимлиги янги ишлаб чиқилган қоидаларда алоҳида уқтирилган. Бундан асосий мақсад — келажакда ҳайдовчилар томонидан бўлиб турадиган қўполлик, кескинликларга барҳам бериш, қолаверса, ҳайдовчи ва ДАН ходимлари ўртасида вужудга келган “ёвқарашлик“ни йўқотиш, инсонга инсондек муомалада бўлишни таъминлашдир.

Ҳайдовчи, ўз ҳаракатида пиёда, хусусан, болалар, ногиронлар ва қарияларга, велосипедчиларга нисбатан ниҳоятда эҳтиёткорлик чораларини кўриш лозим.

Ҳайдовчи, йўллардан фойдаланувчилар унинг чеккасида яшовчи кишиларга юқори даражада шовқин солиб, сув сачратиб ва чанг-тўзон кўтариб ноқулайликлар туғдирмаслиги керак.

Ҳайдовчиларимиз фақатгина транспорт воситаларининг техник созлигига жавоб бериб қолмасдан, транспорт воситасининг тозалигига ҳам жавобгардир.

Мопед, мотороллер ва мотоциклларни овоз ўчиргич (глушитель) сиз бошқариш таъқиқланади.

Тегишли рухсатсиз транспорт воситаларига махсус техник жиҳозлар (рация, сирена ва ҳ.к.) ни ўрнатиш таъқиқланган. (Бу жиноятчиликнинг олдини олишда ва жиноятларни фош этишда салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки бундай қурилмалар фақатгина оператив автомобилларга қўйилиши керак).

Пиёдалар тўхтаб турган автобус ва троллейбуснинг орқа томонидан, трамвайнинг эса олди томонидан йўлни кесиб ўтишлари шарт.

Пиёдаларнинг ҳаракатланаётган транспорт воситаларига осилиши, транспорт воситаларининг эшикларини ёпилишига тўсқинлик қилишлари,-чорраҳаларда, йўлнинг қатнов қисмида тўхтаган транспорт воситаларининг ойна ва бошқа қисмларини (айниқса, ёш болалар томонидан) ўзбошимчалик билан тозалаши таъқиқланган.

Илгариги қоидаларда 5, 10, 20, 30 км/соат этиб тезликни чеклаш мумкин эди. Бу чеклашлар янги қоидаларга киритилмади. Сабабини шарҳлашга унчалик ҳожат бўлмаса-да, ҳар ҳолда ҳаётнинг ўзи жадаллигини талаб этаётганлиги, 5–10 км/соат тезликда юра оладиган транспорт воситалари ниҳоятда камлиги, қолаверса, бундай талабнинг ҳаётий эмаслиги шундай тўхтамга келишга мажбур этди.

Йўлларда чорва молларининг боқилиши, боғланиши баъзан йўл ўртасида ҳайвонларнинг ётиб олиш ҳоллари ҳайдовчиларимизни қийин аҳволга солади ва ҳаракатни тўхтатиб қўяди. Биз бундай ҳолатларнинг кўп гувоҳи бўлганмиз. Бу хавфсиз ҳаракатланишга таҳдид солиш билан бирга транспорт воситаларидан чиқаётган заҳарли газларнинг ўт-ўланларга ўтириб чорва молларининг касалланиши эҳтимолидан келиб чиқиб таъқиқланган.

Транспорт воситасига теварак-атроф кўринишини чеклайдиган қўшимча нарсалар ўрнатилган, ойнанинг тиниқлигини камайтирадиган қора ёки бошқа рангдаги қоплама суртилган бўлса, бундай транспорт воситасидан фойдаланиш таъқиқланади. Аммо енгил автомобилларнинг орқа ойнасига парда ўрнатиш, унинг олдинги икки ёнида ташқи кўзгу ўргатилгандагина рухсат этилади.

**МУХБИР: — Сермазмун суҳбатингиз учун раҳмат, бундан кейинги ишларингизда омадлар тилаб қоламан.**

**М. БЕКМУРОДОВ:** — Ташаккур.

**Суҳбатдош: Мурод ТИЛЛАЕВ.**

*Ҳаракатланиш хавфсизлиги учун*

## СЛЁТ ЎТКАЗИЛДИ

ЯҚИНДА, НАМАНГАН вилояти, Чуст шаҳридаги "Тоғ шалоласи" болалар оромгоҳида ҳаракат ёш назоратчиларининг республика слёти бўлиб ўтди.

Унда 14 вилоятдан 150 нафар ёш назоратчи иштирок этди. Қатнашчилар 10 босқич бўйича ўзаро баҳслашдилар.

Қизиқарли ўтган бу учрашувларда энг кўп очко тўплаган Андижон вилояти ёш автомобиль назоратчилари ғолибликни қўлга киритдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йили ўтказилган республика слётида ҳам андижонликлар ғолиб бўлган эдилар.

Иккинчи фахрий ўринни иккита команда эгаллади. Булар — Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан борган ёш автомобиль назоратчиларидир. Учинчи ўрин Наманган, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларидан келган ўқувчиларга насиб этди.

Бундан ташқари слёт давомида "Хавфсиз ғилдирак" мусобақалари ҳам ўтказилди. Велосипедни ҳаракатланиш қоидаларига амал қилган ҳолда, маҳорат билан бошқаришда Қашқадарё вилояти командаси биринчи, Қорақалпоғистон Республикасининг вакили иккинчи, Андижон ҳамда Фарғона вилояти командалари учинчи ўринни эгаллашди. Ғолиблар Ўзбекистон Республикаси ИИВ, Республика халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси автомобиль транспорти корпорациясининг Давлат акционерлик мукофотлари билан тақдирландилар.

Келгуси йилги слёт Фарғона вилоятида ўтказиладиган бўлди.

**М. РИХСИЕВ,**
**ИИВ ДАНБ ходими.**

## СУРАТЛИ АХБОРОТ

**ХОРАЗМ вилоят, Янгибозор туман ИИБ ДАН ходимлари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.**

**СУРАТДА: Янгибозор туман ИИБ ДАН ЙПХ нозири, милиция кичик сержанти Одилбек Матёқубов ҳамда маъмурий-амалиёт нозири, милиция катта лейтенанти Ҳайитбой Жабборовлар хизмат пайтида.**



**Р. БОБОЕВ олган сурат.**



## СУРАТЛИ АХБОРОТ

Ўрта Чирчиқ туман ИИБ ходимлари — участка вакили, милиция катта лейтенанти Каримжон Саидохунов ва ВЕИН инспектори, милиция капитани Рустам Остонов Ким Пен Хва номли корпорация аъзолари олдида бу йил қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот бердилар. Ҳисобот вақтида ИИВ ва Тошкент вилояти ИИБ вакиллари иштирок этдилар.

Улар хизмат кўрсатаётган ҳудудда ўтган йили 7 жиноят содир этилган, шу жумладан 6 ўғирлик юз берган, битта тан жароҳати етказилган. Уларнинг ҳаммаси очилган, жамоат жойларида спиртли ичимликлар истеъмол қилгани учун 29 киши маъмурий жавобгарликка тортилди.



Корпорация маъмурияти тартиб посбонларини уларнинг фаолиятларига ҳар томонлама ёрдам бериши хусусида ишонтирди.

**Суратларда: учрашув лавҳалари. Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.**



## ҲАМ ҚЎШНИ, ҲАМ ҚАРИНДОШ ЭДИ-Я...

Поп тумани ИИБ ходимлари шу йилнинг апрель ойидан бери Санг қишлоғи марказидаги Ёқубжон Мадраҳимовга қарашли хусусий тижорат дўконида содир этилган ўғирликни очиш бўйича иш олиб боришарди. Унда номаълум шахс дўкондан 946 минг сўм-купонлик турли хил молларни ўғирлаб кетганди.

Июнь ойида эса шу қишлоқнинг Йўлдошев кўчаси 18-уйида яшовчи Маҳмуда Маткаримова ИИБга уйидан деразани синдириб, "Маяк" русумли магнитофонини, 60 минг сўм-купонини ҳамда 300 минг сўм-купонлик кийим-кечакларини ўғирлаб кетишганини билдирганди.

Туман ИИБ ходимлари яхшигина тер тўкишиб, ниҳоят иккала жиноятни содир қилган шахсни аниқлашди. Ўғри Санг қишлоғи, Йўлдошев кўчаси, 22-уйда яшовчи, М. Маткаримованинг қўшниси (қариндоши ҳам), 1976 йилда туғилган, Санг қишлоғидаги 6-ҳунар-техника билим юрти толиби Баҳром Маткаримов бўлиб чиқди.

Поп туман суди Маткаримов Баҳромнинг жиноий ишини кўриб чиқиб, 8 йилга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

## 4-ҚАВАТДАН ЙИҚИЛИБ, ТИРИК ҚОЛДИ

ХАЛҚОБОД шаҳарчаси 12-уй 27-хонада яшовчи Вячеслав Графов ярим тунда уйига бостириб кирган тўрт нафар чақирилмаган "меҳмон"ларни кўриб, бир пас каловланиб қолди. Кейинги воқеа шундай тезлик билан содир бўлдики, у ўзини тутиб олишга ҳам улгурмади. Ҳалигилар унинг "Слава" русумли қўл соати билан жинси курткасини тортиб олиб, ўзини уйнинг тўртинчи қаватидан ташлаб юборишди ва ғойиб бўлишди. Шунча баланд жойдан қулаган Вячеслав тирик қолди.

Эрталабоқ у бу ҳақда Поп тумани ИИБга ариза билан мурожаат қилди. Олиб борилган қидирув тадбирлари узоққа чўзилмади. Чақирилмаган "меҳмон"лар қўлга олинди. Улар тўрт киши эмас, беш киши экан.

Поп туман суди ҳукми билан Поп шаҳрида яшовчи аввал ҳам судланган Баҳодир Ризаев, Редван Мустафаев, Аваз Усмонов, Тўлқин Рустамов ҳамда Камол Маҳмудовларга тегишли жазо тайинланди.

**ОМОНЗОДА.**

*Ичкилик оқибатлари*

# "АВВАЛ МАЙНИ СИПҚОРДИ..."

***Қадимдан бир ривоят бор:***

***"Жуда покдомон йигит бўлган экан. Фаҳшга мойил бир аёл ўша йигитни чақириб, шундай шарт қўйибди:***

***— Ё мен билан зино қиласан ёки мана бу бешикдаги гўдакни ўлдирасан, ёхуд анави кўзачадаги майни ичасан. Акс ҳолда ҳозир "дод" солиб, одам тўплаб, шармандангни чиқараман.***

***Нолож қолган йигит осон йўл билиб, кўзачадаги майни сипқоришга рози бўлибди. Кейин эса майнинг таъсирида гўдакни ўлдириб, зино ҳам қилибди..."***

***Балки бу шунчаки ривоятдир. Аммо ўта ҳаётий!***

***Биз ҳам қуйида ичкилик туфайли содир этилган жиноятлардан иккитаси ҳақида қисқача тўхталмоқчимиз. Улардан қандай хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўз ихтиёрида.***

## ТУБАНЛИК

БУ ВОҚЕАГА яқинда тўрт йил бўлади. Аммо унинг асорати қирқ йилдан кейин ҳам барҳам топмаса керак. Зеро, ҳали ҳатто болалик гаштини суриб улгурмаган саккиз ёшли қизалоқ бир ичкиликбоз пасткашнинг ифлос исканжасию ёвуз ўйларининг маънавий қурбони бўлди.

"Маст киши одам эмас, чунки у инсонни ҳайвондан ажратиб турувчи — ақлини йўқотади",— деб ёзганди Америка сиёсий арбоби Томас Пейн.

Биз бу талқиннинг айни ҳақиқат эканлигини 1961 йили туғилган тошкентлик Михаил Л. тимсолида кўришимиз мумкин. Фойдали меҳнатга бўйни ёр бермай, ўз айшини ўйловчи бу нокас ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ўз синглисининг дугонаси бўлган саккиз ёшли Вика Т. ни алдов йўли билан уйга чақириб олади. Куч ишлатиб ҳимоясиз қизчани бир неча бор таҳқирлайди. Кейин бўлиб ўтган воқеани ҳеч кимга айтмасликни, акс ҳолда ўлдиришини таъкидлаб, қизчани қўрқитади.

Ҳа, маҳлуқ бўлиш учун албатта маҳлуқ қиёфасида туғилиш шарт эмас.

Балки қизча қўрқиб, бўлиб ўтган воқеани ҳеч кимга айтмаслиги ҳам мумкин эди. Аммо "ойни этак билан ёпиб бўлмайди". Жабрдийданинг кўкарган кўзлари, шилинган чеҳраси ота-онани бефарқ қолдирмаслиги аниқ. Шундай бўлса ҳам қўрқув ҳисси устун келиб, отасига ҳам сир бермади бола бояқиш. Фақатгина эртаси куни соғлиги ёмонлашгач, чақирилган "Тез ёрдам" шифокорига бўлган ҳодисани сўзлади.

Жиноятчи ўз тегишли жазосини олди. Содир этган жинояти бўйича эса энг аввало маст эканлигини, шу боис ҳам ихтиёрсиз тарзда (!) жиноят қилганлигини айтиб, "айбига қисман иқрор" бўлди. Балки тўлиқ иқрор бўлишига белгиланган жазо муддати кифоя қилиб қолар. Аммо она сутининг ҳиди лабларидан кетмаган норасида жабрдийдага етказилган маънавий жароҳат ўрни жиноятчи ўтайдиган муддат вақтида ва, умуман, битмаслиги аниқ.

Мақолага нуқта қўйишдан олдин қадимги юнон олими Пифагорнинг бундан қарийб икки ярим минг аввалги гапини келтиришни истар эдик:

"Мастлик — ақлдан озиш машқидир!".

## "ХИНОДАНМАС, ҚОНДАН ЛОЛАРАНГ!"

АЁЛ! БИЗ БУ мукаррам сиймо тимсолида энг аввало яратувчиликни кўрамиз. Яна улуғворликни, жамики гўзалликни мужассам санаймиз аёлда!

"Ҳар ёмоннинг бир яхшиси бўлгани" каби ҳар яхшининг ҳам бир ёмони учраши бор экан. Энди тасаввур қилинг: нозик бармоқлару майин кафтлар — Аёл қўллари! Бу қўлларга фақат ва яна фақат нафис гулдасталару лоларанг хино ярашади.

Бироқ бизнинг "қаҳрамон"имиз гулдастадан кўра тиғ тутмоқни, кафтларини хинодан эмас одам қонидан лоларанг этмоқни афзал кўрди.

Тўғри, қонга ташна қотила тегишли жазосини олди. Бу ҳақда мақола битмасак ҳам бўларди. Аммо: "Бирни кўриб фикр қил!" дейди доно халқимиз. Зеро, бу жиноят тафсилоти нафақат аёлларга, балки ичкиликка меҳр қўйган эркакларга ҳам бир сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Аввалига Альмиранинг сўзларига ҳамдардона қулоқ осдилар. Ҳатто унга ачиндилар ҳам. Унга Жиноят Мажмуасининг 81-моддаси — қотиллик билан эмас, балки ўз жонини ҳимоялаган бир заифа сифатида 84-модда орқали жиноий иш қўзғадилар. Аммо Альмиранинг бу "номери" суд жараёнида эскириб қолди. Ҳатто ИИБга "ўз айбини бўйнига олиб келган"лиги ҳам. Чунки тирик гувоҳлар, уларнинг кўрсатмалари қотиланинг сохта кўз ёшларидан кучлироқ эди.

Энди воқеанинг аслига тўхталсак.

Тонг. Соат тахминан етти. Ичкилик ва уйқу элитган Қорабек оромсупада ётарди. Альмира олдиндан тузган режаси бўйича ошхона пичоғини тутганча эрининг (улар никоҳдан ўтмай, 1985 йилдан бери яшар эди, фарзандлари ҳам бор!) тепасига келди. Ва икки бор қорин қисми ҳамда кўкрагига кучли зарб урди. Пичоқ Қорабекнинг кўкрагига санчилган кўйи қолди. Альмира (албатта, олдиндан ўйлаб қўйгани бўйича) Миробод тумани ИИБга югурди.

Айбига иқрор бўлиб келган қотила ўз кўрсатмасида аввалига айбига қисман иқрорлигини билдирди.

Альмира Қорабекнинг кўп ичишини таъкидлайди, ўша оқшом ҳам ўзи қўшниларнинг уйида бўлганлигини, эри кеч соат ўнларда уни маст ҳолда излаб келганлигини, ҳақоратлаганлигини, тонгги соат бешларда ниҳоят қўшнилари уйидан бирга кетганликларини маълум қилади. Йўл-йўлакай эри уни яна ҳақоратлаганлигини айтади. Аммо уларни бекатгача кузатиб чиққан қўшни ва иш бўйича гувоҳ Туронов охирги ҳолатни рад этади.

Альмира жиноятни ўйлаб туриб амалга оширган. Чунки у биринчи бор қўшнисининг уйидан чиқаётиб, пичоқ олиб чиққан. Кейинчалик эса, у Қорабекни ухлаб ётганда ўлдирганлигини рад этади. Йўл бўйи таҳдид қилиб келгач, эри уйда уни дўппослаганлиги ва жаҳл устида ўзини ҳимоя қилиб, унга бир марта (!) пичоқ урганлигини айтади. Бироқ "Тез ёрдам" ходимлари берган кўрсатмага кўра пичоқ аввал қорин бўшлиғига урилган, кейин эса кўкракка санчилган ҳолича қолдирилган. Фақатгина чалажон Қорабек пичоқни "Тез ёрдам" машинаси ичида ўз кўксидан суғуриб олган, холос. Суд-тиббиёт экспертизаси хулосасида қон йўқотиш ва қоннинг ички томонга қуйилишидан ўлим юз берганлиги таъкидланади.

Сўнгги хулоса эса қуйидагича:

"Ҳар икки зарба Қорабекнинг маст ҳолатда ухлаб ётган чоғида урилган". Экспертизалар (улар бир неча йўналишда) хулосалари ва тўққиз нафар гувоҳлар кўрсатмалари эса мазкур қотиллик аввалдан режалаштирилиб, содир этилганлигини кўрсатади.

Бу иш пойтахтда юз берди. Қотил жазосини олди. Биз уларнинг манзилгоҳию шарифларини тўлиқ келтириб ўтирмадик. Бунинг ҳожати ҳам йўқ. Фақат бизни бир нарса ўйлантиради: қотила ва марҳум яшаган муҳит, оила маънавий соғлом эмаслигини наҳотки атрофдагилар сезмаган бўлсалар? Ишониш қийин. Акс ҳолда катта жиноят юз бермасди. Жиноятга қадар ўтган "майда-чуйда"ларга ҳеч ким эътибор бермаган. Зеро, қаерда лоқайдлик бўлса, ўша жойда сотқинлик ва қотиллик мавжуддир, деган машойихлар.

Яна бир мулоҳаза. Ўз тажрибамиздан келиб чиқиб айта оламизки, нафақат қотиллик, балки талончилик, номусга тажовуз ва ҳатто оилавий жанжаллар бошида аксарият ичкилик туради. Зеро, ичкилик бор жойда маънавий онг ўз таъсирини йўқотади.

"Ичкиликбозлик уч тарихий мусибат: очлик, вабо ва урушдан ҳам кўпроқ вайронагарчилик келтиради!"— деганда инглиз давлат арбоби ва адиби Уильям Гладстон юз карра ҳақ эди.

**Абдусамат ТУРСУНОВ,**
**Миробод тумани прокуратурасининг катта терговчиси.**
**Дилмурод САЙЙИД,**
**журналист.**

# ДАЙДИЛАРГА ЭЪТИБОР

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ 2-тақсимлагич-қабулхона ташқаридан қараганда профилакторий ёки дам олиш зонасини эслатади. Ҳовлида гуллар очилиб ётибди, ҳамма ёқ ям-яшил.

— Қабулхонамиз, — дейди мен билан суҳбатлашаркан унинг бошлиғи, милиция капитани М. Мирҳолиқов, — дайдилик ва тиланчилик билан шуғулланаётган кишиларни вақтинча ушлаб туришни таъминлайди. Улар бу ерга вилоятнинг турли бурчакларидан олиб келинади, вилоятимизга эса улар МДҲнинг ҳамма минтақаларидан келиб қолмоқда.

Қабулхонада келтирилган кишининг шахси аниқланади, жиноят қилган-қилмаганлиги текширилади. Кўпинча қабулхонага келтирилган кишининг ҳақиқий исм-фамилияси аниқланмагунча анча тер тўкишга тўғри келади.

Чирчиқ шаҳридан келтирилган бир аёл билан ана шундай бўлди. Олиб келтирилган пайтида у ўзини 1941 йилда туғилган Нина Константиновна Адамская деб таништирган. Сўнгра эса фамилиясини ўзгартира борган. Ўзини 1941 йилда туғилган Нина Ивановна Субботина, сўнгра 1945 йилда туғилган Галина Кудрявцева, 1941 йилда туғилган Виктория Васильевна Смирнова... деб атаган. Аслида эса, ўз фарзандлари уйдан кўчага ҳайдаб юборган бу аёл 1923 йилда туғилган Зоя Юрьевна Смирнова бўлиб чиқди.

Унинг бундай қилишига бирдан-бир сабаб ўзи ҳақида қариндошларига хабар етишини истамаслик бўлган.

Шу йилнинг биринчи ярим йиллигида жиноят-қидирувнинг катта тезкор вакили, милиция лейтенанти С. Мирзамов ва тақсимлагич-қабулхонанинг бошқа ходимлари томонидан жиноий хатти-ҳаракатлар содир этган ўн бешга яқин киши қидириб топилган, улар орасида алимент тўламай қочиб юрганлар ҳам бор эди.

Жиноят қилиб, терговдан қочиб юрган кишиларни қидириш — сердиққат жараён. Тезкор ходимнинг ихтиёрида кўпинча қидирилаётган кишининг белгиларигина бўлади, унинг сурати эса одатда бўлмайди.

Бундай материал билан кўп иш қилиш осон эмас, лекин Солижон Мирзамов шундай шароитда ҳам ижобий натижага эришишга муваффақ бўлади.

1993 йил июлида тақсимлагич-қабулхонага Жанубий Қозоғистон вилоятининг Пахтаорол тумани ИИБдан ўқотар қурол билан, қароқчиларча ҳужум қилган Юрий Фасхутдиновни қидиришга доир материал келиб тушди. Ўшанда қабулхонадаги барча кишилар билан тадбирлар мажмуи ўтказилди, бироқ қидирилаётган киши улар орасидан чиқмади.

Кунлар ўтиб борди, қабулхонадаги кишилар ўзгариб борди, шу йилнинг февралида эса Қибрай туманидан 1975 йилда туғилган Юрий Фасхутдинов келтирилди.

Тезкор ходим дастлабки суҳбатдаёқ унинг олдида айни қидирилаётган киши ўтирганлигини тушунди. Лекин унинг ўз фамилиясини яшириш учун ҳеч нарса қилмаганлиги таажжубланарли эди. Фасхутдинов жиноятга дахлдор эканлигини инкор этарди, холос.

Кейин маълум бўлишича, жиноят қилганидан сўнг яширинган Фасхутдинов гувоҳлар йўқлигидан хотиржам бўлган. Қабулхонага Пахтаорол туман ИИБ ходимлари кириб келганидагина у ўз айбини узил-кесил бўйнига олди.

Тақсимлагич-қабулхона ходимлари томонидан бу йил бедарак кетган 4 киши топилди. Қидирув материаллари ўз вақтида келганида кўрсаткич бундан ҳам юқори бўлиши мумкин эди. Натижада телевидение орқали берилган ёки бекатларга ёпиштирилган варақлардаги ахборотлардан фойдаланишга тўғри келмоқда.

1973 йилда туғилган, Тошкентдаги қариндошлариникига меҳмон бўлиб келган А. Ғаниевни қидиришда ана шундай ҳол юз берди. Тошкентда у бир куни кўчага чиқиб, уйига қайтиб келмади. Собир Раҳимов тумани ИИБ қидирув эълон қилди. Бир оз муддат ўтгач тақсимлагич-қабулхонага Қибрай туманидан руҳий ҳасталик белгилари бўлган бир киши келтирилди, у ўзининг фамилиясини, қаерлик эканлигини ва нима учун Қибрайга келганини ҳеч эслай олмас эди.

Солижон у билан ҳар куни суҳбатлашаркан, ночор аҳволдаги кишининг ташқи қиёфасини яхши эслаб қолди, унга нима қилиб бўлсада ёрдам беришга интилди. Қидирув материалларини бир неча марта варақлаб чиқди, бироқ бунинг фойдаси бўлмади.

Агар Солижон дам олиш куни Марказий универмагга ул-бул харид қилиш учун келмаганида, бундан сўнг Ғаниевнинг ҳаёти қандай кечиши номаълум эди. Трамвай бекатида у қидирилаётган кишиларнинг суратлар ёпиштирилган варақларни кўздан кечираркан, Ғаниевга жуда ўхаш кишининг суратини кўриб қолди. Сурат тагидаги матнни ўқиркан, шубҳага асос қолмади. Тошкентдаги Собир Раҳимов туман ИИБ томонидан анча вақтдан бери қидириб келинаётган кишининг ўзгинаси эди.

Қабулхонада ишга жойлаштириш бўйича инспектор лавозими бор. Ушланган кишиларни иш билан таъминлаш унинг вазифаси ҳисобланади. Бунинг учун қабулхона бешта ташкилот билан шартнома тузган. Улар орасида дўконларга янги гул етказиб берувчи “Рустам“, “Бунёд“ ширкатлари бор.

2-сонли тақсимлагич-қабулхонанинг муаммолари ҳам оз эмас. Лекин унда ишлаётган кишилар четдан ёрдам кутмасдан, муаммоларни ўз кучлари билан ҳал этишга ҳаракат қилмоқдалар.

**Ш. АҲМЕДОВ,**
**милиция подполковниги.**

# ҚИДИРИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман ИИБ томонидан 1982 йилда туғилган, Тошкент шаҳри, 1-Қорасув мавзеи, 35-уйнинг 23-хонадонида яшовчи **Лолита Маратовна Муҳуддинова** қидирилмоқда. У 1994 йилнинг 31 май куни уйдан чиққан ва бедарак йўқолган.

**Белгилари:** бўйи 155 см., спортчиларга хос қоматли, буғдой ранг, сочи калта қирқилган, қизғиш-қўнғир ранг, юзи чўзинчоқ, кўзлари жигарранг, қошлари ёйсимон, бурни тўғри.

**Алоҳида белгилари:** косметик операциядан сўнг қулоқларининг орқа томонида чандиқ қолган.

Қандай кийимдалиги аниқланмаган.



**Л. Муҳуддинованинг кейинги тақдиридан хабари бўлган фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига ёки 02 рақамли телефон орқали хабар беришларини сўраймиз.**



Тошкент шаҳар Ҳамза туман ИИБ томонидан 1922 йилда туғилган, Чилонзор даҳасидаги 9-мавзе, 4-уйнинг 65-хонадонида яшовчи **Шахна Беркович Шаршинер** қидирилмоқда. У 1994 йил 15 июль куни Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаснинг тиббий-санитария қисмидан чиқиб кетган ва бедарак йўқолган.

**Белгилари:** бўйи 175 см., озғин, сочи оқарган, қошлари ёйсимон, сийрак, кўзи оқиш, лаби қалин.

**Алоҳида белгилари:** пешонасида 1-2 см. ли чандиқ бор, бошининг икки чеккасидаги сочи яраланиш туфайли тўкилган, кўкрагига Ватан уруши медали осилган, ёнида уруш қатнашчисининг гувоҳномаси ва паспорт бор эди.

**Кийими:** оқиш финка, жигарранг шим, қора туфли.

**Ш. Шаршинернинг кейинги тақдиридан бохабар фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига 02 рақамли телефон орқали хабар беришларини сўраймиз.**

Оҳангарон тумани Ички ишлар бўлими томонидан 1963 йилда туғилган, Оҳангарон туманидаги Чинор қишлоғида яшайдиган **Абдужуман Абсаматович Мамараззоқов** қидирилмоқда. У 1987 йилнинг 7 март куни кеч соат 17 ларда уйидан чиқиб кетган ва қайтиб келмаган.

**Белгилари:** бўйи 175 см. атрофида, озғиндан келган, сочи калта, юзи чўзиқроқ, қошлари қора ва ёйсимон, қиррабурун, кўзлари қора.

**Кийими:** бошида оддий қора шапка, эгнида эски қора фуфайка, кўк кўйлак, қора шим, оёғида қора резина этик бўлган.

**Алоҳида белгиси:** руҳий касал, ўзи ҳақида ҳеч қандай маълумот бера олмайди.



**А. Мамараззоқовнинг қаердалигидан хабари бор фуқаролардан бу ҳақда 5-20-40, 5-14-36 рақамли телефонлар орқали Оҳангарон тумани ИИБга ёки энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.**



Тошкент шаҳар Ҳамза туман ИИБ томонидан 1951 йилда туғилган, Мальков кўчасидаги 63-уйда яшовчи **Петр Алексеевич Зубенко** қидирилмоқда. У 1994 йил 16 июлда Фарғона йўли кўчасидаги 15-7-7 да яшайдиган қайнонасиникига меҳмон бўлиб келиб, уйига қайтган ва бедарак йўқолган.

**Белгилари:** бўйи 165 см., сочи қора, оқара бошлаган, мўйлови қора, қошлари тўғри, кўзи жигарранг, юзи чўзинчоқ.

**Алоҳида белгилари:** ўнг қўлида 6-7 см. размердаги туғма доғ, кўкрагида тиғ тилгандан қолган 15-18 см. размердаги чандиқ бор, чап қўлида "Люба" деб ўйиб ёзилган, оғзининг чап томонида юқоридан иккита тиши йўқ.

**Кийими:** эгнида енги калта оқ кўйлак, қора шим, оёғида жигарранг туфли бўлган.

**П.Зубенконинг кейинги тақдиридан бохабар фуқаролардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимига 02 телефони орқали хабар беришларини сўраймиз.**

## Донишмандлар бисотидан

### АЁЛЛАР ҲАҚИДА

“Эркак зоти аёлга эҳтиромсизлик билан қарай бошладими, демак, деярли ҳамиша биринчи бўлиб бу ишни аёлнинг ўзи бошлаганини кўрсатади“.

**Дени ДИДРО,**
**француз файласуфи ва адиби.**

***

“Ҳамма ерда ва ҳамиша аёл кишининг энг олижаноб фазилати — камтарликдир!“.

**Николай КАРАМЗИН,**
**ёзувчи ва тарихчи.**

***

“Табиат аёлга шундай дейди: Уддасидан чиқсанг — гўзал бўл, хоҳласанг — оқила бўл, аммо идрокли бўлмоғинг шарт!“.

**Пьер БОМАРШЕ,**
**фаранг драматурги.**

### ИЧКИЛИК ҲАҚИДА

“Кўзгу киши юзини акс эттирганидек, мастлик унинг руҳий башарасини очиб кўрсатади“.

**ЭСХИЛ,**
**қадимги юнон драматурги.**

***

“Ичкилик нафосатни ўлдиради, ёшликни эса қисқартиради“.

**ГОРАЦИЙ,**
**қадимги рим шоири.**

***

“Ичкилик — қамоқхонани тўлдириб турувчи хизматкор!“.

**Анре БОДРИРАЛЛАР,**
**фаранг публицисти.**

***

“Май аввал юзга ранг берар, сўнгра безрайтирур“.

**САЪДИЙ,**
**форс шоири.**

***

“Ичкилик одамни қотил ва ўғрига айлантиради“.

**Калеб КОЛТОН,**
**инглиз олими.**

**Тўпловчи: ТошДУ филология факультети сиртқи бўлимининг II курс талабаси Муҳайё АЛИМОВА.**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ шахсий таркиб билан ишлаш хизмати раҳбарияти ва ходимлари ушбу хизмат бўлимининг бошлиғи, ички хизмат подполковниги С. И. Петровга отаси

**Иван Петрович ПЕТРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Муҳаррир ўринбосари Сиддиқ СУЛАЙМОНОВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Наврўз кўчаси, 1.

Газета ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021.
Буюртма Г — 1156
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Босилиш — офсет усулида.
Босишга топшириш вақти — 19.00.
Босишга топширилди — 19.00.

Обуна рақами — 64615.
40.094 нусхада босилди.

ТЕЛЕФОНЛАР:
муҳаррир — 39-70-40;
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-20-96,
мухбирлар бўлими — 59-26-56, умумий бўлим — 59-21-21.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1, 2, 3, 4, 5, 6.